

ОКТАБРЬ—ПАХТА ТАЙЁРЛАШДА ХАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар! Бутун куч ва воситаларни октябрь ойи топиширини ошириб бажаришга тўла сафарбар этайлик!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-НИЛ ЧИҚИШИ

№ 198 (1202)

5

ОКТАБРЬ
ЯҚШАНБА
1958 ЙИЛ

БАҲОСИ
20 ТИНИН

Юқори Чирчиқ район колхозлари луб экинлари маҳсулотни тайёрлаш планини бажардилар

Юқори Чирчиқ районининг колхозлари, РТС на қишлоқ хўжалик мутахассислари КПССтинг XXI съезди шарафига бошланган мусобақани кенг кўламда кучайтириб 3 октябрда луб экинлари тайёрлаш йиллик планини 100,1 процент қилиб бажардилар. Давлатга ўтган йилги шу вақтдагига қараганда 3 минг 700 тонна кўп — ҳаммаси бўлиб 50 минг 67 тонна канон ва жут поёси етказиб берилди.

Тошйирланган маҳсулотнинг 95 проценти кўк поя ҳолда, биринчи сортларга қабул қилинди.

Шунингдек район колхозлари йилга тайёрлаш планини 100,2 процент, галла тайёрлаш планини (шолдан ташқари) 160,5 про-

цент, жун тайёрлаш планини 121, туҳум тайёрлаш 114 процент қилиб адо этдилар. Чорвачиликни ривожлантириш юзасидан берилган тошйирлар ҳам муваффақиятли бажарилади. Дағал етказиб тайёрлаш 102 процент адо этилди.

Район қишлоқ хўжалик ходимлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб Улуг Октябрнинг 41 йиллигига пландан ташқари 10 минг тонна канон ва жут поёси етказиб бериш тўғрисидаги мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашмоқдалар. Шунингдек канон уруғи тайёрлаш ва давлатга 13 минг тонна пахта ҳосили етказиб бериш тўғрисидаги мажбурият ҳам албатта бажарилади. 5 декабргача ҳамма ерлар тўла шудгор қилиб қўйилади.

КПСС Марказий Комитетида ва СССР Министрлар Советида

Маъмурият бинолари, спорт ҳамда бошқа жамоат бинолари ва иншоотлар қурилишга пул маблағлари ва моддий ресурслар сарифлашни тартибга солиш тўғрисида

Кейинги вақтда партия ва ҳукумат уй-жой қурилишини тубдан яхшилашга қаратилган бир қанча жуда муҳим қарорлар қабул қилиб, яқин йиллар ичида уй-жой танқислигини тугатиш вазифасини қўйдилар. Ана шу қарорлар ҳамда санаот ва қурилишни бошқаришни қайта ташкил этилганлиги уй-жой қурилишини анча кенгайтириш учун зарур шароит яратиб берди.

1957 йилда уй-жой майдонини фойдаланишга тошйиринг плани ошириб бажарилди, шу йилнинг 8 ойи ичида эса ўтган йилнинг шу давридагига қараганда умумий майдон 3 миллион квадрат метр кўпроқ бўлган турар уйлар қурилди.

Агар ажратилган пул ва моддий ресурслар ҳозирги вақтда аҳамияти камроқ бўлган ахтисларга қаратилганда, янада кўпроқ муваффақиятларга эришяган бўлар, уй-жой танқислигини тугатиш вазифаларини ҳал этиш муддатлари эса янада қисқартирилган бўлар эди.

Пул маблағларини ва моддий ресурсларини партия ва ҳукумат томонидан аҳолини тез орада уй-жой билан таъминлаш тўғрисида қўйилган асосий вазифани ҳал этишга сарфлаш ўрнига, бир қанча шаҳарларда қимматга тушадиган маъмурий бинолар, спорт саройлари, маданият саройлари, театрлар, цирклар, клублар, стадионлар, сузиш бассейнлари қурилиши, катта выставка павильонлари, идораларга қарашли боғлар ҳамда бошқа бинолар ва иншоотлар қурилишга катта маблағлар сарфланмоқда, ҳолбуки, ҳозирги вақтда бу қурилишлар биринчи навбатда зарур бўлган қурилишлар эмас.

Бир қанча ҳолларда бу объекталарнинг қурилиши узоқ муддатларга яқка тартибдаги проектлар билан ва ортиқча архитектура-планировка ишлари билан амалга оширилиб келмоқда.

Маъмурият биноларида катта кабинетлар, қабулхоналар, мажлислар заллари қурилишга йўл қўйилмоқда, шунингдек уларни безатишда ҳамда қиммат баҳо меъмор, телевизорлар, радиоприемниклар ва бошқа асбоблар билан жиҳозлашда ортиқча ҳаражатларга йўл қўйилмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети уй-жой қурилишини, шунингдек мактаблар, касалхоналар ва бошқаруш муассасалари шохобчаларини кенгайтириш учун қўшимча маблағларни сафарбар қилиш мақсадига «Маъмурият бинолари, спорт ҳамда бошқа жамоат бинолари ва иншоотлар қурилишга пул маблағлари ва моддий ресурслар сарфлаш тартибга солиш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Бу қарорга мувофиқ СССР министрликлари ва бошқармаларига иттифоқ республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларида қурилатган ва қурилишга мўлжалланган маъмурият ва жамоат бинолари ҳамда иншоотларнинг титиз рўйхатларини қайта кўриб чиқиш ҳамда бу рўйхатлардан яқин йилларда у қадар зарур бўлмаган объектиларни чиқариб ташлаб, бўшлаган пул маблағларини ва моддий ресурсларини уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар ва бошқаруш муассасалари қурилишга сарфлаш, шунингдек биринчи навбатда зарур бўлмаган ҳамда қурилишнинг аҳолига кўра консервация қилиш мақсадига мувофиқ бўлмаган, қурилатган маъмурият ва жамоат биноларини уй-жойлар учун, мактаблар, касалхоналар ва бошқаруш муассасалари учун фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топирилди.

Қарорда бундан буён янги маъмурий бинолар, театрлар, цирклар, клублар, маданият саройлари, бошқармаларга қарашли боғлар, стадионлар ва сузиш бассейнлари қурилиш ҳар бир айрим ҳолда иттифоқ республикалар Министрлар Советларининг ижозати билан амалга оширилиши мумкинлиги кўзда тутилди. Бу объектар янги қурилишнинг титиз рўйхатлари капитал маблағ сарфлаш йиллик планлари қўрилганда СССР Ҳосилоти ва СССР Ҳосеотрий билан мувофиқлаштирилди.

Қабул қилинган қарорда қўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши яқин йиллар ичида мамлакатимизда уй-жой танқислигини тугатиш юзасидан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан қўйилган вазифани тез орада ҳал этиш учун қўшимча имкониятлар нўжудда келтирилади.

Юқори Чирчиқ район партия комитети ва район ижроия комитетига

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Юқори Чирчиқ районининг колхозчиларини қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия ва совет ходимларини, барча меҳнаткашларини давлатга луб экинлари ҳосили сотиш планини муддатидан илгари бажарганиликлари билан табриклидилар.

Район колхозлари 3 октябрда луб экинлари тайёрлаш планини 100,1 процент бажардилар, давлатга 50067 тонна ёки ўтган йилнинг шу вақтдагига нисбатан 3700 тонна кўп луб экинлари ҳосили сотилиб, бунинг 95 проценти биринчи сортларга топирилди.

Район колхозлари давлатга пилла сотиш планини 100,2 процент, дон сотиш планини (шолдан ташқари) 160,5 процент, жун сотиш планини 121 процент, туҳум сотиш планини 114 процент бажардилар, дағал хашак тайёрлаш планини 102 процент адо этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишонч биланридиларки, Юқори Чирчиқ районининг колхозчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия, совет ва комсомол ходимлари пландан ташқари 10000 тонна жут поёси ва канон топириш юзасидан олган мажбуриятларини ҳам бажардилар. Канон уруғини тайёрлаш планининг бажарилишини таъминлайдилар, етиштирилган барча пахта ҳосилининг ўз вақтида сира нобуд қилмай йилги териб олинишига ва топирилишига эришилди, давлатга 13.000 тонна пахта топириш юзасидан олган мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайдилар, чорва қишлоқини яхши ўтказишда янада луб қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришга индила янги ютуқларга эришилди.

ЎЗБЕКИСТОН
КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Конференциясининг қатнашчилари келмоқдалар

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясининг қатнашчилари тўшган самолётлар бирикети Ўзбекистон пойтахтига келмоқда.

4 октябрь кечкурун Тошкент аэропортинда Хитой Халқ Республикаси ёзувчиларининг катта бир гурупи тантанали вазиетда кутуб олиниди. Хитойлик дўстларни кутуб олиш учун Осиё-Африка тайёгарлик комитетининг раиси Шароф Рашидов бошчилигидаги комитет аъзолари, Тошкент жамоатчилигининг вакиллари бу ерга келдилар.

Шу ерда ҳозир бўлган кишилар Хитойнинг атоқли ёзувчиси, Хитой Халқ Республикаси Ёзувчилар союзининг раиси Мао Дуни, Хитойнинг машҳур ёзувчиларидан Чжоу Ян, Ба Пани, Чжэо Шу-ли, Эми Сомалари ва улар давлатдаги ёзувчилар ташкилотларининг бошқа вакиллари қизгин ва самимий табриклидилар.

Шу кунги Бирлашган Араб Республикасининг ёзувчилари ҳам Тошкентга келдилар.

Совхоз далаларида 49 та пахта териш машинаси ишламоқда



Кўз ялғамас кенг пахтазор. Бундан 10-15 кун илгари самолётлар дони, сеиб ўтган ўғзаларнинг барси тўқилиб очилган пахталар ҳамма ёққа ошқоч қойлаб ёнган. Шу кенг далаларда пахта териш машиналари кезиб ўрибди. Пайкаларнинг чеккаларида пахта уюмлари кўзга ташланади. Машиналар каттагина нарик-чеккасида бориб-келган шу пахта уюмлари яна кўтарилади, автокачка, автомашиналар кетма-кет келиб туриб машиналарда терилган пахтани қабул пункти сари элтдилар.

Совхоз машина билан пахта теришда ўтган йилларда дон таратган хўжалиқлардан бири. Совхоз директори ўртоқ Исмонд Иброҳимов бўлур совхоз далаларида пахта териш машиналари унча яхши ишламаганини тўғрисида да бунинг оқибатида пахта тайёрлаш плани бажаришга қўйилган қўшимча нормани тўла ва ошириб бажармоқдалар. Бу соҳада Мустафо Чачи, Боник, трактор-далалачилик бригадаларини олдинда кетаётган.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг коллективи бу йил машина билан пахта теришда 4,5 минг тонна пахта териб олишга қарор қилган. Совхоз пахтакорлари ва механизаторлари ўзларининг ана шу мажбуриятларини Улуг Октябрнинг 41 йиллик кўнунгача адо этиш мақсадига машина билан пахта териш суръатини кун сайин кучайтирмоқдалар.

Суратда: (чапдан ўнгга) трактор-далалачилик бригадасининг бошлиғи Мустафо Чачи ва эъзо бошлиғи Н. Зонатах далада шўхбатлашмоқдалар. М. Комлев фотоси.

Янгийўлда ишчи кучлари теримга тўла сафарбар этилмаган

Жданов номи колхозининг раиси Жан Ун-Юн билан партия ташкилотининг секретари Абдиқасим Рихси-боов ўртоқлар район марказига келганлар уларни ошқоч бағилга самимий табриклиб бошлаган, ўларга янги муваффақиятлар тилашди. Бунинг сабаби бор.

Жданов номи колхоз ҳозир пахта тайёрлашда Янгийўл район колхозлари ичида олдинда бораётир. Жданов номи колхоз аъзолари бунга пахта йиним-теримини ушқоқлик билан олиб бораётганларни туфайли эришмоқдалар. Колхоз правлениси теримчиларга қўзғай шавит яратиб беришга алоҳида эътибор қилган. Дала шийлонларида иссиқ оқват ташкил этилган. Теримчи аёлларнинг болалари кўча ясила боғчаларда тарбияланоқда.

Бу ерда айниқса теримчиларнинг меҳнат унумини ошириш учун меҳнатга ҳақ тўлаш яхши бўлга қўйилган. Бу, теримчиларни ҳар кун кўпроқ пахта теришга рағбатлантирмоқда. Илгари ҳар бир киши ўрта ҳисобда бир кунда 40-50 килограмм пахта терганга бўлса, айни кунларда 252 теримчининг ҳар бири ўрта ҳисобда 60 килограмм пахта термоқда.

Бригадаларо социалистик мусобақа айниқса ўртоқ Угай Ён-Дир Ён-Дир бригад аъзолари олдинда бораётирлар. Ҳар гектар ерда 31,1 центнерга ҳосил олиш учун ахд қилган бу бригада аъзолари ҳозир йиллик планини 24 процентдан ошириб бажардилар.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам терим жалал суръат билан давом этаётир. Шу туфайли колхоз ўз кучи билан ҳар кун 1,5 процент миқдорда пахта териб давлатга топиримоқда.

Янгийўл районидagi Сталин номи, Ленин номи колхозлари ҳам кўпгина нағор бригадалар, аъзолар бор. Лекин районда пахта тайёрлаш суръати умуман қониқарли эмас. Бунга асосий сабаб колхозлардаги мажбул ишчи кучлари пахта йиним-теримига ҳали тўла равнида жалб этилмаганидир. Теримга жалб этилмаган ишчи кучларнинг меҳнат унуми жуда паст. Қариб Маркс номи колхозда 1060 кишидан 721 киши, Свердлов номи колхозда 1110 кишидан 722 киши пахта термоқда. Бошқа колхозларда ҳам айни аҳвол юз бермоқда.

Ўтган йили шу кунларда райондаги колхозларда 7427 киши пахта териб турган эди. Уларнинг ҳар бирининг бир кунда терган пахтаси ўрта ҳисобда 100 килограммдан ошмақ бўларди. Лекин ҳозир аҳвол бундай эмас. Шу кунларда районда 6717 киши пахта тераятир. Уларнинг ҳар бири кунда хирмонга ўрта ҳисобда 35 килограммдан пахта топиримоқда.

Районда дастлаб машина билан пахта теришга 1500 гектар ер ажратилган эди. Район инспекциясидаги ўртоқларнинг сўзига қараганда ҳозир ҳам планда кўрсатилган шу миқдордаги пахтани машина билан териб бўлади. Аммо нимагадир ҳозир машина билан терим учун фақат 500 гектар ер қолдирилган. Машина билан пахта териш учун ажратилган бу ерларни ҳам ҳали дефляция қилишга киришилмаган. Бу муҳим тадбир барбод бўлмоқда.

Янгийўл районидagi ўртоқлар мажбул ишчи кучларини пахта йиним-теримига тўла сафарбар этишга, теримчиларнинг меҳнат унумини оширишга, машина билан пахта терилган ерларда тезда дефляция ўтказиш ишига алоҳида аҳамият беришлари керак.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
мухбири.

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИ

ВЕРХНЕ-ВОЛНЕСК. «Қизил Октябр» колхозига йиним-терим ишлари ушқоқлик билан бораётир. Бригадаларо социалистик мусобақада Зинор Ласиев бошлиқ бригада аъзолари олдинда бормоқдалар. Бригадада ҳозир ҳар кун йиллик планининг 2-2,5 проценти миқдорда пахта терилмоқда ва топириломоқда. Ҳозиргача йиллик план 20 процентдан ошириб бажарилди. Ўлка Фейзулова, Марваста Эминова, Рафта Анварова каби кўп минг килограммчи теримчилар ҳар кун 150-160 килограммдан пахта тераятирлар.

М. Уматов.

ГУЛИСТОН. Фрунзе номи колхоз аъзолари КПСС XXI съездини муносиб совға тайёрлаш учун шу кунларда ҳар қачонгидан кўра зўр гайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Ирисой Байрибекова, Раҳима Жонидулова, Фармон Раҳмоқулов каби илгор теримчилар кундалик нормаларини 2-3 баравардан бажармоқдалар.

Колхозда ҳозир барча куч ва воситалар ҳар кун йиллик планининг 2-3 проценти миқдорда пахта тайёрлашга қаратилмоқда.

Т. Қўшмаматов.

ЯНГИЙЎЛ. Сталин номи колхозининг С. Қорхонжаев бошлиқ бригад аъзолари КПСС XXI съездини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олиш учун курашмоқдалар. Ҳамро Абдувоқилова, Усин Ражабаева, Умри Тожихўжаева, С. Саъдиева каби теримчилар ҳар кун 150-180 килограммдан пахта тераятирлар. Ўлар пахталарини сортларга ажратиб теришга алоҳида эътибор бераётирлар.

О. Қозонбоев.

ОКТАБР. Сталин номи колхозда барча куч етиштирилган мўл ҳосилини тезроқ йилги оlish тўла сафарбар этилган. Меҳнатсевар колхозчи-бар кундан-кунга меҳнат унумини ошириб, ҳар кун 2-3 процентдан пахта тайёрлаш учун курашятирлар.

Алихон Исмонидов бошлиқ 16-бригадада шу кунларда ҳар кун 1,5-2 процентдан пахта тайёрлашмоқда. Турсунбой Ўзловсоева, Ханова Хатматова, Рашид Қўчқорбоева каби чевар теримчилар ҳар кун 140-150 килограммдан сифатли пахта термоқдалар.

М. Пейсенов.

БЕКОВОД. Қариб Маркс номи колхозининг кўп минг килограммчи теримчиси Мавлонов Мавлонов 20 сентябргача 1600 килограмм пахта терди. У борган сари унумини ошираётир. Ҳар кун 200-230 килограммдан пахта тераятир. М. Мавлонов мавсумда 20 тонна пахта теришга ахд қилган. Мавлоновнинг мусобақалоши Ўлмасхон Эрматова ҳам кундалик нормани 2-3 баравардан бажариб бошқаларга намуна бўлаётир.

А. Мўминов.

Мен қандай қилиб ҳар кун 250-300 килограммдан пахта теряпман



Бригадамизнинг Ўзловсоева Хасанова, Турсунбой Эргашева, Қомилла Хасанова каби илгор теримчилари ҳам мен билан мусобақалашиб, 180-200 килограммдан пахта тераятирлар. Уларнинг ҳар бири мавсумда 15 тоннадан пахта теришга ахд қилишган. Аммо бригадамизда бир кунда терилган пахта йиллик планининг 1-1,2 процентидан ошмаётир. Бу бизни қаноатлантирмайди, албатта. Бригаданинг барча аъзоси илгор теримчилар сингари кундалик нормани ҳар кун 2-3 баравар ошириб бажарганлариди эди, суръат ошарди, кунига йиллик планининг 2-2,5 проценти миқдорда пахта тайёрлаган бўлур эдик.

Ҳаммамнинг диққат-эътибори етиштирилган мўл ҳосилини тезроқ йилги-териб олишга, Кремда берилган мўл ҳосилини бажаришга қаратилган шу кунларда юзигада ўти, вужудига гайрати, баллига кучи бор ҳар бир пахтакор ҳар кун 2-3 норма бажариб фидокорона меҳнат қилмоқда. Мен ҳам ана шу пахтакорлар сингари ўз бурчимни бажариш учун ҳаракат қилишам.

Ҳар кун 250-300 килограммдан пахта тератган экамман, бунда ҳеч қандай сир йўқ.

Турсунбой-ҒОЗИЕВ, Октябр районидagi Ленин номи колхозининг теримчиси.

Ҳамма нарса гайрат қилишга, иштилоқ билан.

Мен районимизда бўлган илгор пахтакорлар йилги-териб олишга ахд қилиб, бу йил мавсумда 25 тонна пахта териб беришга ахд қилдим. Ҳозиргача 4 тоннага яқин пахта териб ҳозир пахталар қийос отилмоқда. Мен суръатини тобора ошириб, ганимат кунларнинг ҳар дақиқасидан унумини фойдаланиб, ҳар кун 250-300 килограммдан пахта терини давом эттираман.

Ўтган йил мавсумда 21 тонна пахта-терган эдим. Партия ва ҳукуматимиз меҳнатимизга оқсак баҳолаб, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади. Колхоз бошлангич партия ташкилоти КПСС аъзоллигига кандидат қилиб қабул қилди.

Мен ана шу меҳнат-ишонч билан бажаришга қаратилган пахтакорларимиз амалга яна бир марта намоий қилиш учун курашаман. Жонажон партияимизнинг XXI съездини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олиш учун кучимни сира аямаяман.

Турсунбой-ҒОЗИЕВ, Октябр районидagi Ленин номи колхозининг теримчиси.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1958 ЙИЛ 4 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН

МА Ё Л У М О Т
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Мавсум бошдан бери	Бир кунлик ўлчаш
Бекобод	17,03	0,53
Бонкуд	15,58	0,73
Писонент	14,89	0,48
Гулистон	14,41	0,63
Бўстонлик	14,40	0,65
Бўна	14,15	0,64
Верхне-волинск	13,75	0,30
Мирзачўл	13,62	0,48
Оққўрғон	13,19	0,48
Чиноз	12,28	0,83
Ормоникидзе	11,52	0,59
Урта Чирчиқ	10,78	0,53
Юқори Чирчиқ	10,18	0,40
Уртасарой	10,21	0,48
Сирдарё	10,16	0,32
Октябрь	9,94	0,42
Янгийўл	9,74	0,47
Куйи Чирчиқ	8,48	0,45
Охангарон	5,84	0,36
Найини	5,26	0,32

ОБЛАСТ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1958 ЙИЛ 4 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН

МА Ё Л У М О Т
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Мавсум бошдан бери	Бир кунлик ўлчаш
6-«Кўнорол»	25,05	0,85
«Дружба»	24,19	0,60
«Фархад»	24,04	0,86
«Мирзачўл»	18,44	0,36
«Социализм»	18,07	0,49
«Писонент»	16,50	0,22
«Чанок»	16,28	0,65
2-«Давларзин»	15,03	0,44
1-«Давларзин»	15,00	0,51
«Гулистон»	14,85	0,25
4-«Бобу»	12,78	0,45
1-«Бобу»	11,28	1,14
3-«Бобу»	11,12	0,49
Кирон номи	11,06	0,55
«Оққўрғон»	9,63	0,39
Тошкент наслчилари	9,02	0,20
Бўшув номи	8,00	0,13
1-«Охангарон»	7,00	0,33
«УзССР беш йиллиги»	6,10	0,34
2-«Охангарон»	3,53	0,47
«Мелик»	2,13	0,26
«Вреский»	—	—

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

КОНФЕРЕНЦИЯ
ҚАТНАШЧИЛАРИ УЧУН

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёт-тироғхонасида ўтказилган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясига атай қўйлаб йўланма-китобча, плакат ва расмлар нашр этилди. Йўланма-китобча ва плакатлар ўзбек, рус, инглиз, араб, француз, хитой, ҳинд ва бошқа тилларда чиқарилиб, Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши, бугунги муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилади. Самарқанд, Бухоро, Андижон каби қадимий шаҳарларнинг қисқача тарихи билан таништирилади. Улар оддий тушунарли тилда ёзилган. Уларда ўзбек халқининг маданияти ва адабий бойликлари, Ўзбек халқининг Осиё ва Африка халқлари билан бўлган қадимий дўстона алоқалари ҳақида ҳам маълумот берилади.

Нашриёт меҳмонларини республиканинг диққатга сазовор бўлган жойлари билан кенгроқ таништириш мақсадида бир неча фото-суратлар ҳам нашр этилди.

Бундан ташқари нашриёт конференция олдидан чироқий плакатлар, турли тилларда ёзилган шорлар, ўзбек классикларининг портретларини ҳам нашр этмоқда.

Кеча Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг студент ва ўқитувчилари Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясига қатнашиш учун келган бир гуруҳ ёзувчилар билан учрашдилар. Суратда: Таиланд ёзувчиси П. Ванаси студентлар орасида.

В. Панов фотоси.

Олимпнинг юбилейи

4 октябрда Тошкентдаги Олимп уйи биносига республика фанлар Академиясининг вице-президенти филология фанлари доктори, профессор И. М. Мўминовнинг туғилганга 50 йил ва ижодий фаолиятига 30 йил тўлиши муносабати билан тантанали мажлис ўтказилди.

Тўпланган кишилар юбилейни кўзгич таъриқладилар, унга ялмиш ишда янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар. Тошкентдаги ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидаги илмий-текиштириш институтлари, ўқув юрлари, партия ва совет ташкилотларининг вакиллари академик И. М. Мўминовга эҳадлик совғалари тақдим этидилар. Юбилар Туркманiston ва Қозғистон фанлар Академияларидан таъриқномалар олди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари ўртоқ Ж. Лахонова И. М. Мўминовни Ўзбекистон Олий Совети фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида фармонни ўқиб эшиттирди. Ўртоқ З. Р. Раҳимов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми тошмирига буюртма И. М. Мўминовга фахрий ёрлиқни топширди.

Юбилар қомита жуда кўп таъриқ телеграммалари келди. (ЎзТАГ).

Энг яхши шоферлар
мукофотланди

Мамлакатимизда ўтказилган «Транспорт ҳаракати хавфсизлиги ҳақида» муносабати билан Тошкентда кўча ҳаракати қондаларига энг тўра русия қилиш бўйича шоферлар муносабати бўлган эди. Яқинда ана шу муносабатнинг асослари кўриб чиқилди.

Команда ҳисобида 1-таксимотор паркнинг биринчи командаси муносабатида ғолиб чиқди. Қолган иккинчи ва учинчи ўринни ҳам шу паркияни, яъни командаси олди. Бу командалар энг кам штраф очкоси олган эдилар. Юк машиналари ўртасида 3-автомобил командаси биринчи ўринни, 69-автомобил командаси иккинчи ва «Гавташкентстрой» командаси учинчи ўринни эгаллади.

Шахсий биринчилик учун курашда 4-таксимотор паркнинг шофери Шавкат Бахтиёров ғалаба қозонди. Юк машиналари бўйича эса биринчи ўрин «Гавташкентстрой» транспорт конторасининг шофери Ра. Фаазл Губайдуллинга берилди. Шахсий биринчилик ғолиблари «Победа» маркали кўл вакили ва ёрлиқ билан мукофотландилар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Унутилмас учрашув

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университети студентлари турли мамлакатлардан Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясига қатнашиш учун Тошкентга келган ёзувчилар билан учрашдилар. Учрашувда биринчи бўлиб трибунага чиққан филология факультетининг IV курс студенти Зуфия Мамриулова «Қалб салони» сарлавҳали шеърини ўқиб берди.

Африка, Хиндистон, Жапон, Бирландия Араб Республикаси, Таиланд ва бошқа мамлакатлар ёзувчиларининг вакиллари студентлардан М. Юсуповнинг араб тилида, Ю. Голдсберннинг хитой тилида, Н. Пономаревнинг инглиз тилида айтган таъриқ сўзларини қарсақлар билан қарши олдилар.

Меҳмонларда Гопал Халдар (Хиндистон), Мусо Жалол (Бирландия), Алабай ибн Эсахил Дамхалтурус (Жапон) ва бошқалар қатнашган бўлиб, улар ўз-ўзларига қизиқиб, учрашув қатнашчиларига ўз ватанларидан олиб келган алагали саломини топширидилар.

Учрашув охирида даваскор студентлар ижросида концерт берилди. Ўзбек, ҳинд, рус, афрон ва италия тилларида айтилган қўшиқлар меҳмонларга жуда манзур бўлди. Университетдаги бу учрашув ҳаммада унутилмас таассурот қолдирди.

Э. ДОМУЛДЖОНОВА,
С. УМУРЗОҚОВ,
М. МАҚСУДОВА.

КИТОБ ОЙЛИГИ

Ўзбекистонда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкентда ўтказилган конференцияси муносабати билан китоб ойлиги ташкил этишга қарор қилинди. Китоб ойлиги Тошкент ва республика-нинг бошқа ҳамма шаҳарларида ўтказилди.

Тошкентдаги Театр майдонида икки павильондан иборат 20 та киоскга ани бўлган катта китоб бозори ташкил этилди. Шунингдек, пойтахтдаги ва Тошкент ободчилиги магазинлар янги чиққан адабиётлар билан бойитилди. Магазинларда янги адабиётлар витринаси ташкил қилинди.

8 октябрда Тошкентдаги ҳамма маданият ва истироҳат боғларида,

„Ўзбекистон қовунлари“ номли атлас

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик фанлари Академияси Дехқончилик институтининг сабзавот-картошка таъриқ станцияси «Ўзбекистон қовунлари» номли атласни нашрга тайёрлади. Бу китобда қовуннинг дунёга машҳур навлари коллекциясини тўлаган Ўзбекистон полизчиларининг кўп йиллик таъриқси илмий жиҳатдан умумлаштирилган.

«Ўзбекистон қовунлари» атласи Совет Иттифоқида биринчи марта нашр этилмоқда. Илмий ишда кенг тарқалган қовун навларидан 110 тасига характеристика берилган.

Атлас Ўрта Осиё халқлари ва чет эл мамлакатлари тилларида нашр этилади. (ЎзТАГ).

Космос саёҳатчилари

Хайвонни атмосферанинг юқори қаватларига учуришга тайёрлаш ва илмий ишлар ўтказишда институт лабораториясида энг янги диагностика ас-

Ракетада сайр қиладиган киши «саёҳатчиларини» тайёрлашда вибростенд катта роль ўйнайди. У, итти ракетанинг учаётган вақтида содир



Ит учун ясалган Скафандр. Бу ҳар қандай юқориликка кўтаришда ҳам итнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

боблар, осциллографлар, рентген установкаси ва бошқа аппаратлар ўрнатилган. Асбоблар, нафас олиш ва пульсларининг ўзгаришини автоматик усул билан ёзиб олади, қон босимини ўлчайди. Центрифугда итти учуш даврида тўғри келадиган ҳар қандай оғир шaroитда ҳам қийналмаслиққа ўргатади.

бўладиган титраш қийинчиликларини енгишга ўргатади.

Ракетанинг герметик кабинаси автоматик ҳаракат қиладиган аппаратлар билан ускуналанган. Махсус асбоблар учуш даврида хайвон организмнинг қандай ишлайётганини ёзиб боради, кино установка эса ит-

нинг аҳоли қандай бўлаётганини суратга олади. Кабинада хавонни регенерация қиладиган мураккаб система ўрнатилган.



212 километр баландликка учурилганидан аввал лабораторияда барча синовлардан ўтган итлар кабинадан ўз жойларини эгалладилар. Яна бир неча минутдан сўнг осмонга учуриладиган ракета тўртоқди «саёҳатчиларни» космос бўшлиқларига олиб кетди.

Ҳозир институтда 450 километр баландликда Белинка ва Пестряк итларида олибган қимматли натижалар ўрганилаётган.

Е. Кассин фотолари, (ТАСС фотохроникаси).

Оҳангарон шаҳрида

қурилиш ишлари
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛМОҚДА

«Ўзбекшахтострой» трестига қурилиш ишларини механизациялашга жиҳдий эътибор берилмоқда. Трестнинг таъминот бўлимига энг яхши машина ва механизмлар тез-тез келиб турмоқда. Яқинда бу ерга 3 та кучли экскаватор, 5 та бульдозер, 3 та башня крани, 16 та вибратор ва бошқа жуда кўп техника ускуналари келтирилди. Бу техника ва механизмлар кўл меҳнатини енгилаётган, меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилашга ёрдам беради. Янги техникадан трест қурилиш божқармаларида унумли фойдаланилаётган.

ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИНИ ЯХШИЛАШ
УЧУН

Шаҳарда аҳоли сони кўпайгани сари телефон алоқасига бўлган талаб ҳам ортмоқда. Шунинг ҳисобига олиб, Тошкент билан Оҳангарон ўртасида 1000 абонентли автомат телефон станцияси қуришга киришилган эди. Яқинда станция қурилиши тамомланди. Бундан ташқари марказий телеграф станциясида мавжуд бўлган 2 каналли линияни 3 каналли линия билан алмаштириш мўжжалашмоқда.

АВТОБАЗА КОЛЛЕКТИВИНИНГ
МУВАФФАҚИЯТИ

«Ўзбекголь» комбинатига қарашли автобаз коллективини йил бошидан бир меърада ишлаб, қувончли кўрсаткичларга эришди. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида 3 минг литрга яқин ёқилга ва 62 минг сўм давлат маблағи тежалди. Автобазда ҳамма кўрсаткичлар бўйича ойлик ва квартал планлари ҳам ошмиш бажарилаётган. Шоферлардан Ж. Габдуллин, Буржуев, Лекченко, Беленова, Посецкая, Гудина, Гуртовлар кунлик нормани бир ярим барабарга етказиб ато этмоқдалар.

А. НУРИЕВ.



Комсомолнинг 40 йиллиги олдидан

Чирчиқ шаҳар комсомол комитети Ленин Комсомолнинг 40 йиллиги муносабати билан бир қанча тадбирларни ўтказмоқда.

Шаҳардаги ишчи клубларида, маданият уйи ва химиклар маданият саройида комсомолнинг тарихига оид фототрина ва стендлар ташкил этилган.

«Комсомоллар граждaнлар урушида», «Комсомолнинг 40 йиллиги» дастлабки йилларида, «Улуг Ватан урушида комсомол» урушида комсомолнинг ишчи клубларида, маданият уйи ва химиклар маданият саройида комсомолнинг тарихига оид фототрина ва стендлар ташкил этилган.

Юбилей шарафига

Аброр Ҳидоятовни дафн этиш маросими

4 октябрда Ўзбекистон пойтахтининг меҳнатқашлар совет театр санъатининг атоқли арбоби, Совет Иттифоқи халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Аброр Ҳидоятов билан видолашди.

Марҳумнинг жасади солинган тобут Ҳамза номи театр биносига қўйилган эди. Советки артист билан видолашув учун бу ерга фан-маданият ва санъат арбоблари, жамоат ташкилотлари, санъат қорхоналари коллективларининг вакиллари келдилар.

Соат 14. Аброр Ҳидоятовнинг жасади солинган тобут театр биносидан олиб чиқилди. Дафн маросимида қатнашувчилар аста-секин Чита-той мазорига қараб йўл оладилар.

Неча мингга яқин кишилар ўзларининг секинла артисти билан видолашув учун мазорга тўпландилар. Бу ерда мотам митинги ўтказилди. СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятовни дафн этиш комиссиясининг раиси, Ўзбекистон ССР Маданият вакиллари С. О. Азимов митингнинг очтаи.

Митингда меҳнатқашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. Ю. Пўлдошев, Горький номидаги рус драма театрининг директори, Ўзбекистон ССРга хизмат кўрсатган артист В. К. Коллов, Ўзбекистон ССР халқ артисти О. Жалилов, шоир Гафур Ғулом тазия нутқи сўзладилар.

Митинг тугади. Мотам музикаси садолари остида Аброр Ҳидоятовнинг жасади солинган тобут секин-аста қабрга туширилди.

Қабр устига жуда кўп тулчам-барлар қўйилди. Қўйилган сўзлар ёзилган мрамор лавҳа ўрнатилади:

АБРОР ҲИДОЯТОВ
СССР халқ артисти
1900 — 1958
АБРОР ХИДАЯТОВ
Народний артист СССР

Телевизор Экранда

5 ОКТЯБРДА

12.00 «Васек Трубочев ва унинг ўртоқлари» номли бадий фильм.
19.00 «1918 йил» номли бадий фильм.
20.40 Сўнгги ахборот.
20.55 Пахтакорлар учун ўзбек тилида «Дала шийпониди» деган адабий-музыкали шиттириш.

6 ОКТЯБРДА

19.30 Болалар учун ўзбек тилида шиттириш. «Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференцияси олдидан» циклидан «Чет эллик дўстларимизнинг китоблари» деган шиттириш.
19.50 «Фан ва техника» киножурнали.
20.00 «Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференцияси олдидан» деган циклда ўзбек тилида адабий-драматик шиттириш. Хитой адабиёти классиги Ван Ши-фунинг «Тўкилган май» пьесасидан кўринишлар.
20.30 Сўнгги ахборот.
20.45 Бадий фильм.

Редактор З. ЕСЕНБОВЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМИ ТЕАТРА — 5/Х да кундуз Айтсам тилин кудди, айтсам дилин, кечкурун Бой ила хизматчи 7/Х да Алишер Навоий.

СВЕРДЛОВ НОМИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 7/Х кеч соат 8 яримда Хоразм ашула, музыка ва рақс ансамблининг концерти.

8/Х кеч соат 8 яримда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясига бағишлаб СССР халқларининг музыка ашула ва рақс кечаси.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 6 ва 7/Х кеч соат 8 яримда янги программада Татар ансамбли концерти. Бадий раҳбари — Илос Бахшиш.

8 ва 9/Х кеч соат 8 яримда Ўзбекистон халқ ҳофизы Маъмуржон Узоқов концерти (асамбли билан).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясига бағишланган Парад-пролог. 3 бўлимда катта цирк тамошалари. Бугун тамоша кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

«ИСКРА» (йилини) — кундуз ва кечкурун Айланма зина, кундуз соат 4-20 минутда Е ҳаёт, 6 ўлим.

КИНОФИЛЬМЛАР
ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН
КОНТОРАСИ

КИНОУСТАНОВКА
ЭКРАНЛАРИГА

МЕНИНГ АЗИЗ
КИШИМ

НОМОЛ ИҶГАРА

КИНОРОМАН ЧИҚАДИ

Сценарий авторлари —

Ю. Герман ва И. Хейфил.

Постановкачи — Иосиф

Хейфил.

Бош операторлар — М.

Магил, Л. Соколовский.

Ролларда:

А. Баталов, И. Макарова, П.

Константинов, Ю. Медведев,

П. Кирюткин, Б. Виноградова,

Л. Штукан, Ц. Мансурова,

В. Журавская, Л. Биков,

Б. Чирков, И. Перевезев,

П. Усовиченко, М. Екагери-

нинскийлар қатнашди.

Фильмни «Ленинфильм» кино-

студияси 1958 йилда ишлаган.